



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 19 » noyabr

№ 696

Toshkent sh.

### **Олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида абитуриентларнинг таълим тўғрисидаги хужжатларига қўйилган баҳоларини инобатга олиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишлигини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим тўғрисидаги хужжатларига қўйилган баҳоларини олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармонининг 10-бандига мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-хунар мактаблари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) битирувчиларининг шаҳодатномаси (дипломга илова)га мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичи (кейинги ўринларда – битирувчилар баҳоларининг ўртача кўрсаткичи) киритилиши ва ушбу қўрсаткич олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инобатга олиниши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг таълим ташкилотлари битирувчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини электрон платформалар орқали ҳисоблаш ҳамда битирувчиларнинг шаҳодатномаси (дипломга илова)да ўз аксини топтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Таълим ташкилотлари битиравчилари баҳоларининг ўртacha кўrsatkiчини ҳисоблаш ва уни олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:**

таълим ташкилотлари томонидан мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳоларини акс эттиравчи электрон платформаларни юритиш ва баҳоларни мазкур платформаларга даврий равишда киритиб бориш;

битиравчилар баҳоларининг ўртacha кўrsatkiчларини ҳисоблаш, уларни электрон платформаларда акс эттириш тартиби ҳамда маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Давлат тест марказининг “ABITUR” маҳсус электрон дастурига узатиш;

Давлат тест маркази томонидан олий таълим ташкилотларига ўқишига қабул қилиш бўйича тест синовлари якунланганидан сўнг таълим ташкилотлари томонидан “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали “ABITUR” маҳсус электрон дастурига киритилган баҳоларининг ўртacha кўrsatkiчларини танлов натижасини ҳисоблашда инобатга олиш.

4. Тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (нодавлат таълим ташкилотлари бўйича) **2022 йил 10 июнга қадар** электрон платформаларни ишга туширсин ҳамда таълим ташкилотларида 2022/2023 ўқув йили ва кейинги ўқув йиллари битиравчиларининг сўнгги 6 йиллик баҳоларини электрон платформаларга **киритиши ва битиравчилар баҳоларининг ўртacha кўrsatkiчлари ҳисоблаб борилишини таъминласин.**

5. **2022 йил 10 июнга қадар** тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ўз электрон платформаларини “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилсин.

6. Белгилансинки, электрон платформалар ва дастурларни яратиш ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, интеграция қилиш масалалари билан боғлиқ харажатлар тегишли вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Давлат тест маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директори М.М. Каримов, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев, халқ таълими вазири Б.О. Саидов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Ҳ. Тошкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “19” ноябрдаги 696-сон қарорига  
илова

**Таълим ташкилотлари битирувчилари баҳоларининг ўртача  
кўрсаткичини ҳисоблаш ва уни олий таълим ташкилотларига кириш  
имтиҳонларида инобатга олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим муассасалари ва қасб-хунар мактаблари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) битирувчиларининг шаҳодатномаси (дипломга илова)га мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичини олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Таълим ташкилотлари битирувчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

3. Битирувчиларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларига қўйилган баҳоларининг сўнгги 6 йиллик ўртача кўрсаткичи электрон платформага таълим ташкилотлари томонидан даврий равишда киритиб борилади ва маълумотларнинг тўғри киритилганлиги учун таълим ташкилотларининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

4. Таълим ташкилотлари битирувчилари баҳосининг ўртача кўрсаткичи 3-5 баҳолар оралиғида бўлиб, мазкур кўрсаткич шаҳодатнома ва дипломга иловада акс эттирилади.

**2-боб. Электрон платформаларда маълумотларни шакллантириш**

5. Тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг (нодавлат таълим ташкилотлари бўйича) электрон платформалари “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинади ҳамда ушбу вазирликлар ва идораларга “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ахборот алмашиш имконияти яратилади.

6. Тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (нодавлат таълим ташкилотлари бўйича) ҳар йили 15 июнга қадар:

ўз электрон платформаларига битирувчилар ҳақидаги маълумотлар билан бирга уларнинг билим кўрсаткичига қўйилган баҳоларнинг ўртача кўрсаткичини шакллантириш учун таълим ташкилотлари томонидан платформаларга ўқувчиларнинг фанлар бўйича йиллик баҳолари киритилишини таъминлайди;

электрон платформаларда шакллантирилган битирувчилар ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг баҳоларининг ўртача кўрсаткичи “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз узатиб борилиши учун барча ташкилий тадбирларни амалга оширади.

7. Таълим ташкилотлари томонидан битирувчилар ҳақидаги маълумотларни ва фанлар бўйича баҳоларининг ўртача кўрсаткичини электрон платформада шакллантириб, уларнинг шаҳодатномаси (дипломга илова)да ўз аксини топтириш учун ўқувчиларнинг фанлар бўйича йиллик баҳолари ҳар йили 15 июнга қадар электрон платформага киритиб борилади.

Электрон платформага киритилган баҳолар қатъий ҳисобланиб, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

8. Таълим ташкилотларини хорижий давлатда тамомлаган ва хужжати тан олинган (Ўзбекистон Республикаси фуқароси), экстернат тартибида якуний давлат аттестациясидан ўтган абитуриентларнинг шаҳодатномасидаги (дипломга иловадаги умумтаълим фанлари бўйича) баҳолари тааллуқлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари (кейинги ўринларда – таълимни бошқарувчи худудий бошқармалар) томонидан ўз электрон платформаларига киритилади.

Киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун тааллуқлилиги бўйича таълимни бошқарувчи худудий бошқарма бошликлари шахсан масъул ҳисобланади.

### **3-боб. Умумий ўрта таълим ташкилотлари битирувчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш**

9. Умумий ўрта таълим ташкилоти битирувчиларининг 6-11-синфлардаги фанлар бўйича йиллик баҳолари, якуний давлат аттестацияси баҳолари электрон платформага ҳар ўқув йилининг якуни бўйича 15 июнга қадар киритилади.

10. Бити्रувчилар баҳосининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблашда 6-11-синфлардаги йиллик баҳоларнинг умумий йифиндиси ҳар бир синфдаги ўқитилган фанлар сонининг умумий йифиндисига нисбати олинади.

У қўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{ббўк} = \frac{\sum 6_6 + \sum 7_6 + \sum 8_6 + \sum 9_6 + \sum 10_6 + \sum 11_6}{6_\phi + 7_\phi + 8_\phi + 9_\phi + 10_\phi + 11_\phi}, \text{ бунда:}$$

$K_{ббўк}$  – битириувчи баҳосининг ўртача кўрсаткичи;

$\sum 6_6$  – 6-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 7_6$  – 7-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 8_6$  – 8-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 9_6$  – 9-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 10_6$  – 10-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 11_6$  – 11-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$6_\phi$  – 6-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$7_\phi$  – 7-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$8_\phi$  – 8-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$9_\phi$  – 9-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$10_\phi$  – 10-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$11_\phi$  – 11-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони.

11. Умумий ўрта таълим ташкилоти томонидан битириувчилар билимига кўйиладиган баҳолаш мезонлари фарқ қилганда баҳолаш тизимидағи максимал балл 100 фоиз сифатида қабул қилинади ва баллар баҳо тизимиға кўйидагича конвертация қилинади: 86 - 100 фоиз учун – 5 баҳо, 71 - 85 фоиз учун – 4 баҳо, 56 - 70 фоиз учун – 3 баҳо ва 56 фоизгача – 2 баҳо.

#### **4-боб. Ўрта маҳсус таълим ташкилотлари ва касб-хунар мактаблари битириувчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш**

12. Ўрта маҳсус таълим ташкилотлари ва касб-хунар мактаблари битириувчиларининг 1-2-босқичлардаги умумтаълим фанлари бўйича йиллик баҳолари, якуний давлат аттестацияси баҳолари электрон платформага ҳар ўқув йилининг якуни бўйича 15 июнга қадар киритилади.

Битириувчиларнинг 6-9-синфлардаги йиллик баҳолари Халқ таълими вазирлигининг “Электрон кундалик” электрон дастурига, шунингдек, тизимида таълим ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан барча таълим ташкилотларида жорий этилган электрон платформаларга интеграция қилиш орқали олинади.

13. Бити्रувчилар баҳосининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблашда 6-9-синфлардаги ҳамда 1-2-босқичлардаги умумтаълим фанлари бўйича йиллик баҳоларнинг умумий йифиндиси ҳар бир синф ва босқичдаги ўқитилган умумтаълим фанлари сонининг умумий йифиндисига нисбати олинади.

У қуидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{ббўк} = \frac{\sum 6_6 + \sum 7_6 + \sum 8_6 + \sum 9_6 + \sum 1_6 + \sum 2_6}{6_\phi + 7_\phi + 8_\phi + 9_\phi + 1_{6-\phi} + 2_{6-\phi}}, \text{ бунда:}$$

$K_{ббўк}$  – битириувчи баҳосининг ўртача кўрсаткичи;

$\sum 6_6$  – 6-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 7_6$  – 7-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 8_6$  – 8-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 9_6$  – 9-синфдаги барча фанлар бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 1_6$  – 1-босқичдаги умумтаълим фанлари бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$\sum 2_6$  – 2-босқичдаги умумтаълим фанлари бўйича йиллик баҳолар йифиндиси;

$6_\phi$  – 6-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$7_\phi$  – 7-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$8_\phi$  – 8-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$9_\phi$  – 9-синфда йиллик баҳо чиқарилган барча фанлар сони;

$1_{6-\phi}$  – 1-босқичда йиллик баҳо чиқарилган умумтаълим фанлари сони;

$2_{6-\phi}$  – 2-босқичда йиллик баҳо чиқарилган умумтаълим фанлари сони.

14. Ўрта маҳсус таълим ташкилотлари ва қасб-хунар мактаблари томонидан битириувчилар билимiga қўйиладиган баҳолаш мезонлари фарқ қилинади ва баллар баҳо тизимидағи максимал балл 100 фоиз сифатида қабул қилинади: 86 - 100 фоиз учун – 5 баҳо, 71 - 85 фоиз учун – 4 баҳо, 56 - 70 фоиз учун – 3 баҳо ва 56 фоизгача – 2 баҳо.

## 5-боб. Битириувчилар баҳоларининг ўртача кўрсаткичини электрон платформада тасдиқлаш

15. Абитуриент олий таълим ташкилотига ўқишга кириш имтиҳонларида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш жараёнида шахсий маълумотларини киритгандан сўнг унинг шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳоларининг ўртача кўрсаткичи ҳосил бўлади.

Абитуриент томонидан баҳоларининг ўртача кўрсаткичи унинг шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги боҳоларининг ўртача кўрсаткичи билан текширилиб, тасдиқлаш тугмаси босилади.

Абитуриент томонидан баҳоларининг ўртача кўрсаткичи тасдиқланмагунга қадар унга кириш имтиҳонларида иштирок этиш учун рухсатнома шакллантирилмайди.

16. Абитуриентнинг шахсий кабинетида акс этган шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳолари ва уларнинг ўртача кўрсаткичи ҳамда шаҳодатномадаги ёки дипломга илованинг аслидаги баҳолар ўртасида тафовут аниқланганда абитуриент тегишли таълимни бошқарувчи бошқармaga мурожаат қилади. Ўз ўрнида худудий бошқармалар мавжуд муаммо бартараф этилишини таъминлайди.

Бунда абитуриентнинг шахсий кабинетида акс этган шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳолари ва уларнинг ўртача кўрсаткичи ўзгаради ва абитуриент маълумотларнинг тўғрилиги бўйича тасдиқлаш тугмасини босади. Тасдиқлаш тугмаси босилганидан сўнг маълумотлар тўғрилигига абитуриентнинг шахсан ўзи жавобгар ҳисобланади.

17. Давлат тест маркази олий таълим ташкилотларининг бакалавриатига ўқишга кириш учун “ABITUR” маҳсус электрон дастури орқали ариза топширган, аммо электрон платформада баҳоларининг ўртача кўрсаткичи киритилмаган абитуриентлар ҳақидаги маълумотни ариза қабул қилинган кунда тегишли вазирликлар ва идораларга электрон платформаси орқали юборади.

18. Тегишли вазирликлар ва идоралар бир иш кунида маълумотни абитуриентнинг шаҳодатномаси ёки дипломи берилган таълимни бошқарувчи худудий бошқармaga юборади.

19. Худудий таълимни бошқарувчи бошқарма туман халқ таълими бўлими орқали шу куннинг ўзида маълумотни таълим ташкилотига юборади, таълим ташкилоти раҳбари уч иш кунида абитуриентнинг шаҳодатномасидаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳолари электрон платформага тўғри киритилишини таъминлайди.

Абитуриентнинг шахсий кабинетида шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳоларининг ўртача кўрсаткичи шу куннинг ўзида акс этади.

20. Тугатилган ёки қайта ташкил этилган таълим ташкилотлари битирувчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичи (зарур ҳолларда архив хужжатлари асосида) тегишли таълимни бошқарувчи худудий бошқармалар томонидан хужжатнинг асли асосида Давлат тест марказининг электрон платформасига тўғри киритилиши таъминланади.

21. Тегишли вазирликлар ва идоралар белгиланган вазифалар таълим ташкилотлари томонидан ўз вақтида бажарилиши бўйича назоратни олиб боради ва таъминлайди.

#### **6-боб. Битиравчилар баҳоларининг ўртача кўрсаткичини олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш**

22. Давлат тест маркази томонидан олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари якунланганидан сўнг, белгиланган муддатда, танловга қадар абитуриентларнинг тест синови жараёнида тўплаган балларига тегишли таълим ташкилотлари томонидан киритилган битиравчилар баҳоларининг ўртача кўрсаткичлари қўшилади ва танлов жараёни амалга оширилади.

23. Олий таълим ташкилотига ўқишга қабул қилиш жараёнида абитуриент томонидан қабул комиссиясига тақдим этилган шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи билан электрон платформага киритилган баҳолар ўртача кўрсаткичи орасида тафовут аниқланса, у ҳолда абитуриентнинг кейинги ҳолати кириш имтиҳонларида (талабаликка қабул қилинган бўлса) талабаликка қабул қилинган таълим йўналиши доирасида қайта кўриб чиқилади. Агар киритилган ўзгаришлар туфайли абитуриент тўплаган балл қабул чегарасидан паст бўлса, мазкур абитуриент олий таълим ташкилотига қабул қилинмайди.

#### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

24. Мазкур Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибida ҳал этилади.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Таълим ташкилотлари битиравчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини ҳисоблаш ва уни олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Таълим ташкилотлари битиравчилари баҳоларининг ўртача кўрсаткичини олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонларида инобатга олиш СХЕМАСИ**

| Босқич   | Масъуллар   | Чора-тадбирлар  | Бажариш муддати  |
|----------|---|---|--|
| 1-босқич | Умумий ўрта, ўрта махсус таълим ташкилотлари ва касб-хунар мактаблари | Умумий ўрта таълим ташкилотлари томонидан 6-11-синфлар ўқувчиликарининг, ўрта махсус таълим ташкилотлари ва касб-хунар мактаблари 1-2-босқичлари ўқувчиликарининг умумтаълим фанлари бўйича йиллик баҳоларини электрон платформага киритиш.   | Ҳар ўқув йилининг якунини бўйича 15 июня қадар                       |
| 2-босқич | Абитуриент<br><br>Давлат тест маркази                                 | 1. Абитуриент Давлат тест марказининг “ABITUR” махсус электрон дастури орқали рўйхатдан ўтганда шахсий кабинетида акс этган шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳолари ўртача кўрсаткичини шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи билан таққослайди ва тасдиқлаш тутмаси босилади.<br><br>2. Абитуриент томонидан тасдиқлаш тутмаси босилгандан сўнг абитуриентга кириш имтиҳонларида иштирок этиш учун рухсатнома шакллантирилади. | Ҳар йили ўқишига қабул қилиш жараёнида онлайн рўйхатдан ўтиш вақтида |
| 3-босқич | Абитуриент<br><br>Таълимни бошқарувчи худудий бошқарма                | 1. Абитуриент Давлат тест марказининг “ABITUR” махсус электрон дастури орқали рўйхатдан ўтганда шахсий кабинетидаги умумтаълим фанлари баҳолари ўртача кўрсаткичи ҳамда шаҳодатномадаги ёки дипломга илованинг аслидаги баҳолар ўртача кўрсаткичи ўртасида тафовут аниқланганда абитуриент тегишли таълимни бошқарувчи бошқармага мурожаат қиласи.<br><br>2. Ўз ўрнида худудий бошқармалар мавжуд муаммо бартараф этилишини таъминлайди.  | Маълумот олинган куннинг ўзида<br><br>Шу куннинг ўзида               |

|          |                                      |   |   |
|----------|--------------------------------------|---|---|
| 4-босқич | Давлат тест маркази                  | <p>1. Олий таълим ташкилоти бакалавриатига ўқишга кириш учун ABITUR маҳсус дастури орқали ариза топширган, аммо электрон платформага баҳоларининг ўртacha кўрсаткичи киритилмаган абитуриентлар хакидаги маълумотни тегишли вазирликлар ва идораларга юбориш.</p> <p>2. Давлат тест марказидан олинган маълумотни абитуриентнинг шаҳодатномаси ёки дипломи берилган таълим ташкилоти жойлашган таълимни бошқарувчи ҳудудий бошқармага юбориш.</p> | Хар йили қабул жараёніда онлайн рўйхатдан ўтишда маълумотлар тасдиқланган куннинг ўзида                 |
|          | Тегишли вазирликлар ва идоралар      |   | Маълумот қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунида   |
| 5-босқич | Таълимни бошқарувчи ҳудудий бошқарма | <p>1. Давлат тест марказидан олинган баҳоларнинг ўртacha кўрсаткичи киритилмаган абитуриент тўғрисидаги маълумотни таълим ташкилотига юбориш.</p>   | Маълумот олинган куннинг ўзида  |
|          | Таълим ташкилоти раҳбари             | <p>2. Абитуриентнинг шаҳодатномасидаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳоларини электрон платформага киритиш ва тасдиқлаш тугмасини босиши.</p>   | Уч иш куни давомида   |
|          | Абитуриент                           | <p>3. Абитуриент томонидан умумтаълим фанлари баҳоларининг ўртacha кўрсаткичи шаҳодатномадаги ёки дипломга иловадаги умумтаълим фанлари баҳолари билан тақосланади ва тасдиқлаш тугмаси босилади.</p>   | Маълумот олинган куннинг ўзида  |
| 6-босқич | Давлат тест маркази                  | Абитуриентларнинг тест синови жараёніда тўплаган балларига тегишли таълим ташкилотлари томонидан киритилган битирувчилар баҳоларининг ўртacha кўрсаткичини қўшиши ва танлов жараёніда инобатга олиш.  | Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари якунланганидан сўнг, танловга қадар |

